



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2021 yil « 8 » aprel

№ 190

Toshkent sh.

### **Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг шўрини ювиш ишларини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Республикада суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини ва сув таъминотини яхшилаш ҳамда мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг шўрини ювиш учун фойдаланиладиган ва тасдиқланган шўр ювиш нормалари доирасида, шунингдек, коллектор ва дренаж тармоқларидан ишлатиладиган сув ресурсларини улардан фойдаланганлик учун солиқдан озод қилиш, сувни тежайдиган (томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет ва бошқа) суғориш технологияларини жорий қилишга давлат томонидан субсидиялар ажратиш ҳамда ер солиғи бўйича имтиёз бериш тизими яратилди.

Шу билан биргаликда, ерларни шўр ювишга тайёрлаш ва шўр ювиш ишларини агротехник қоидалар асосида сифатли ва тизимли ташкил этишга, сув истеъмолини назорат қилишга етарлича эътибор берилмаяпти. Натижада агрокластерлар, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар томонидан ерларни шўр ювишга тайёрлаш ва шўр ювишда, айниқса, Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида, шунингдек, Бухоро, Навоий, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг аксарият туманларида агротехник қоидалар ва муддатлар кўпол равишда бузилиб, сув исрофгарчилигига йўл қўйилган, шўр ювиш ишларининг самараси пастлигича қолмоқда.

Сувни тежайдиган суғориш ва лазерли ер текислаш технологиялари жорий қилинган майдонларда ерларни шўр ювишга тайёрлаш ва шўр ювиш ишларини амалга ошириш юзасидан хорижий тажрибаларни ўрганиш, янги илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш соҳа талабларидан ортда қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 11 декабрдаги ПҚ–4919-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ерларнинг шўрини ювиш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сувдан фойдаланиш

самарадорлигини ошириш, бу борадаги илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш ва илмий ишланмаларни амалиётга жорий қилиш ҳамда шўр ювиш ишларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилансинки:

ерларнинг шўрини ювиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг мелиоратив экспедициялари томонидан ишлаб чиқиладиган ва **илмий асосланган тавсиялар** бўйича мақбул муддатларда ва шўр ювиш нормаларига амал қилган ҳолда амалга оширилади;

ерларнинг шўрини ювиш ишлари **ҳар уч йилда камида бир марта** лазер ускунали ёки узун базали ер текислагичлар билан текисланган ҳолда амалга оширилади;

шўр ювиш ишлари учун сув олиш хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилотлар (сув истеъмолчилари уюшмалари) билан тузилган шартномага мувофиқ ажратилган сув олиш лимити доирасида амалга оширилади ҳамда **сувнинг ҳисоби ва ҳисоботи юритилади;**

шўр ювиш учун берилган сувни коллектор-дренаж тармоқларига ташлаб қўйишга ва уларнинг техник ҳолатига **зарар етказишга йўл қўйилмайди.**

Сув истеъмолчиларига Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 442-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шўр ювиш ишлари учун ажратилган сув олиш лимитидан **ортиқча сув олинган тақдирда**, белгиланган тартибда сувдан фойдаланганлик учун солиққа тортилиши кўрсатиб ўтилсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни шўр ювишга тайёрлаш ва шўр ювиш ишларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом** (кейинги ўринларда – Низом) иловага мувофиқ тасдиқлансин:

**а) шўр ювиш ишларини режалаштириш, шу жумладан:**

**ҳар йили 1 октябрга қадар** Сув хўжалиги вазирлиги томонидан сув ресурсларининг прогнозларига асосан хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилотларнинг (сув истеъмолчилари уюшмаларининг) **сув олиш лимитлари тасдиқланади ва жойларга етказилади;**

**ҳар йили 20 октябрга қадар** агрокластерлар, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи бошқа ташкилотлар билан сув олиш лимитлари асосида **сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режалари, шунингдек, тегишли шартномалар** белгиланган тартибда расмийлаштирилади;

**ҳар йили 1 ноябрга қадар** Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг мелиоратив экспедициялари томонидан ҳудудлар бўйича мелиоратив кадастр хужжатлари ишлаб чиқилади;

**ҳар йили 10 ноябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг мелиоратив экспедициялари томонидан ерларни шўр ювишга тайёрлаш ва шўр ювиш ишларини амалга ошириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилади, агрокластерлар, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи бошқа ташкилотларга етказилади;**

**ҳар йили 20 ноябрга қадар сув истеъмолчилари томонидан хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилотлар (сув истеъмолчилари уюшмалари) билан биргаликда уларга берилган тавсиялар ва сув истеъмоли режаларига асосан ерларни шўр ювишга тайёрлаш ва шўр ювиш ишлари режалари ишлаб чиқилади;**

**б) ерларни шўр ювишга тайёрлаш ва шўр ювиш ишларини амалга ошириш тартиби, шу жумладан, ерларнинг шўрини ювиш ишлари шўр ювиш режалари бўйича берилган тавсиялар асосида мақбул муддатларда ва ажратилган сув олиш лимитлари доирасида шўр ювиш нормаларига мувофиқ амалга оширилади;**

**в) шўр ювишда сувдан фойдаланиш ва шўр ювиш мониторингини юритиш тартиби, шу жумладан, хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилотлар (сув истеъмолчилари уюшмалари) сув истеъмолчилари билан белгиланган тартибда шўр ювиш ишлари учун олинган сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритади.**

3. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги:

а) ерларнинг мелиоратив ҳолатини назорат қилиш ва баҳолаш ишларининг тизимли равишда сифатли амалга оширилишини;

б) сув ресурсларини оқилona бошқаришни ва ажратилган сув олиш лимити доирасида сув етказиб берилишини таъминласин;

в) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фанлар академияси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда Инновацион ривожланиш вазирлигига 2021 йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориладиган, шунингдек, лазер ускуналар ер текислагичлар билан текисланган майдонларда ерларнинг шўрини ювиш билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишларини бажаришга қаратилган илмий лойиҳаларга танлов эълон қилиш учун таклифлар киритсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда агрокластерлар, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга:

шўри ювиладиган майдонларни ҳар йили 1 декабрга қадар сифатли шудгорлаш ва зарур ҳолларда чуқур юмшатиш;

ерларни ҳар уч йилда камида бир марта лазер ускунали ёки узун базали ер текислагичлар билан текислаш;

ерларни шўр ювишга тайёрлаш ва шўр ювиш ишларини илмий асосланган тавсиялар бўйича мақбул муддатларда ва шўр ювиш нормаларида амалга ошириш;

сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш ишларини тизимли ташкил қилиш ва амалга оширишда яқиндан кўмаклашсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси:

ерларни шўр ювишга тайёрлаш ва шўр ювиш ишларида агротехник қоидаларга, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибига қатъий риоя этилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатсин;

сувни коллектор-дренаж тармоқларига ташлаб кўйишнинг ҳар бир ҳолатини фавқулодда ҳолат сифатида баҳолаб, сувдан мақсадли ва тежамли фойдаланиш ҳамда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибини бузганларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кескин чоралар кўриб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида “Қишлоқ хўжалигида сувдан самарали фойдаланиш технологиялари” ва “Шўр ювиш технологиялари” фанлари бўйича ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш чораларини кўрсин. Бунда мазкур соҳадаги олий таълим муассасаларига 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, юқорида кўрсатилган фанларни тегишли таълим йўналишларининг ўқув режаларига киритиш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев ҳамда Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “ 8 ” апрелдаги 190 -сон қарорига  
илова

## **Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни шўр ювишга тайёрлаш ва шўр ювиш ишларини ташкил этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни шўр ювишга тайёрлаш ва шўр ювиш ишларини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом талаблари агрокластерлар, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи бошқа ташкилотларга нисбатан татбиқ этилади.

2. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни шўр ювишга тайёрлаш ва шўр ювиш ишларини ташкил этиш мазкур Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

### **2-боб. Шўр ювиш ишларини режалаштириш**

3. Ерларнинг шўрини ювиш ишларини режалаштириш ерларнинг мелиоратив ҳолатига қараб белгиланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий органлари томонидан **ҳар йили 1 октябрга қадар** сув ресурсларининг прогнозларига асосан хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилотларнинг (сув истеъмолчилари уюшмаларининг) сув олиш лимитлари белгиланган тартибда тасдиқланади ва жойларга етказилади.

5. Сув истеъмолчиларининг сув олиш лимитлари уларга хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилотлар (сув истеъмолчилари уюшмалари) томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади ва етказилади.

6. Хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилотлар (сув истеъмолчилари уюшмалари) **ҳар йили 20 октябрга қадар** агрокластерлар, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан биргаликда сув олиш лимитлари асосида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режаларини, шунингдек, тегишли шартномаларни белгиланган тартибда расмийлаштиради.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги мелиоратив экспедициялар (кейинги ўринларда – Мелиоратив экспедициялар) **ҳар йили 1 ноябрга қадар** ҳудудлар бўйича мелиоратив кадастр ҳужжатларини ишлаб чиқади.

Бунда суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси, ер ости сувлари сатҳи ва минераллашув кўрсаткичлари ўрганилади ҳамда таҳлил қилинади.

Суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси, ер ости сувлари сатҳи ва минераллашув хариталари ишлаб чиқилади.

8. Мелиоратив экспедициялар **ҳар йили 10 ноябрга қадар** ерларни шўр ювишга тайёрлаш ва шўр ювиш ишларини амалга ошириш бўйича ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда илмий асосланган тавсияларни (кейинги ўринларда – Тавсиялар) ишлаб чиқади ҳамда агрокластерлар, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга (кейинги ўринларда – сув истеъмолчилари) етказди.

9. Сув истеъмолчилари хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилотлар (сув истеъмолчилари уюшмалари) билан биргаликда уларга берилган Тавсиялар ва сув истеъмоли режаларига асосан ерларни шўр ювишга тайёрлаш ва шўр ювиш ишлари режаларини **ҳар йили 20 ноябрга қадар** ишлаб чиқади.

### **3-боб. Ерларни шўр ювишга тайёрлаш ва шўр ювиш ишларини амалга ошириш**

10. Туманлар ирригация бўлимлари ерларни шўр ювишга тайёрлаш ва шўр ювиш ишларини сифатли амалга оширишга кўмаклашиш учун сув истеъмолчиларига малакали мутахассисларни бириктиради.

11. Сув истеъмолчилари:

шўри ювиладиган майдонларни ғўзапоя ёки бошқа ўсимликлар қолдиқларидан тозалайди ҳамда сифатли шудгорлайди, зарур ҳолларда Тавсияларга асосан чуқур юмшатиш ишларини амалга оширади;

ерларни ҳар уч йилда камида бир марта лазер ускунали ёки узун базали ер текислагичлар билан текислаш ишларини амалга оширади;

шудгорланган ва текисланган майдонларни Тавсиялар асосида полларга бўлади, нишаблик катта бўлган майдонларда чуқур эгатлар олади, ўқариқ ва шохариқлар олади;

шўр ювиш ишларини сифатли амалга ошириш ва сувдан оқилона фойдаланиш учун ер майдонининг катта-кичиклигига қараб камида тўрт нафар тажрибали сувчини (мутахассисни) жалб қилади, уларга далада зарур шароитларни яратади.

12. Ерларнинг шўр ювиш ишлари шўр ювиш режалари бўйича берилган тавсиялар асосида мақбул муддатларда ва ажратилган сув олиш лимитлари доирасида шўр ювиш нормаларига мувофиқ амалга оширилади.

Шўр ювишда полларни сув билан тўлдириш майдоннинг юқори қисмидан пастга қараб, коллектор-дренаж тармоғи томон навбат билан амалга оширилади.

13. Шўр ювиш ишлари учун ажратилган сувни коллектор-дренаж тармоғига ташлашга йўл қўйилмайди.

#### **4-боб. Шўр ювишда сувдан фойдаланиш ва шўр ювиш мониторинги**

14. Шўр ювиш учун сув ресурсларини олиш хизмат кўрсатувчи фойдаланувчи ташкилотлар (сув истеъмолчилари уюшмалари) билан келишилган ҳолда, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган сув олиш жойларида амалга оширилади.

15. Сув истеъмолчилари:

сув олиш учун хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилотларга (сув истеъмочилари уюшмаларига) сув истеъмоли режаси асосида ва сув олиш лимити доирасида ёзма буюртманома беради;

буюртманомани хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилотларга (сув истеъмолчилари уюшмаларига) ёки уларнинг ваколатли шахсларига сув олиш бошланишидан ўн кун олдин белгиланган шаклда, сув олишнинг аниқ жойлари ва муддатлари (сув олишнинг бошланиши ва тугаши), шунингдек, олинадиган сув миқдорини кўрсатган ҳолда тақдим этади.

16. Ажратилган сув олиш лимитидан ортиқча олинган сув миқдорига белгиланган тартибда сувдан фойдаланганлик учун солиқ ундирилади.

17. Хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилотлар (сув истеъмолчилари уюшмалари) сув истеъмолчилари билан биргаликда белгиланган тартибда шўр ювиш ишлари учун олинган сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритади.

18. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси:

ерларни шўр ювишга тайёрлаш ва шўр ювиш ишлари, шунингдек, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибига риоя этилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатади;

сувни коллектор-дренаж тармоқларига ташлаб қўйиш, сувдан мақсадли ва тежамли фойдаланиш ҳамда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибини бузганларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда таъсирчан чоралар кўриб боради.

#### **5-боб. Якунловчи қоида**

19. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни шўр ювишга тайёрлаш ва шўр ювиш ишларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни шўр ювишга тайёрлаш  
ва шўр ювиш ишларини ташкил этиш  
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий органлари	Сув ресурсларининг прогнозларига асосан хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилотларнинг (сув истеъмолчилари уюшмаларининг) сув олиш лимитларини белгиланган тартибда тасдиқлаш ва жойларга етказиш.	Ҳар йили 1 октябрга қадар
2-босқич	Хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилотлар (сув истеъмолчилари уюшмалари)	Агрокластерлар, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар билан сув олиш лимитлари асосида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режаларини, шунингдек, тегишли шартномаларни белгиланган тартибда расмийлаштириш.	Ҳар йили 20 октябрга қадар
3-босқич	Мелиоратив экспедициялар	Ҳудудлар бўйича суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси, ер ости сувлари сатҳи ва минераллашув кўрсаткичларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш. Суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси, ер ости сувлари сатҳи ва минераллашув хариталарини ҳамда мелиоратив кадастр ҳужжатларини ишлаб чиқиш.	Ҳар йили 1 ноябрга қадар
4-босқич	Мелиоратив экспедициялар	Ерларни шўр ювишга тайёрлаш ва шўр ювиш ишларини амалга ошириш бўйича илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда агрокластерлар, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга етказиш.	Ҳар йили 10 ноябрга қадар

5-босқич	Сув истеъмолчилари	Хизмат кўрсатадиган фойдаланувчи ташкилотлар (сув истеъмолчилари уюшмалари) билан биргаликда уларга берилган ерларни шўр ювишга тайёрлаш ва шўр ювиш ишларини амалга ошириш бўйича илмий асосланган тавсияларни (кейинги ўринларда -- Тавсиялар) ва сув истеъмоли режаларига асосан ерларни шўр ювишга тайёрлаш ва шўр ювиш ишлари режаларини ишлаб чиқиш.	Ҳар йили 20 ноябрга қадар
6-босқич	Сув истеъмолчилари	Ерларнинг шўр ювиш ишларини шўр ювиш режалари бўйича берилган Тавсиялар асосида мақбул муддатларда ва ажратилган сув олиш лимитлари доирасида шўр ювиш нормаларига мувофиқ амалга ошириш.	Тавсияда кўрсатиладиган мақбул муддатларда
7-босқич	Хизмат кўрсатувчи фойдаланувчи ташкилотлар (сув истеъмолчилари уюшмалари)	Сув истеъмолчилари билан белгиланган тартибда шўр ювиш ишлари учун олинган сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш.	Шўр ювиш даврида
8-босқич	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси	Ерларни шўр ювишга тайёрлаш ва шўр ювиш ишлари, шунингдек, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибига риоя этилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатиш. Сувни коллектор-дренаж тармоқларига ташлаб қўйиш, сувдан мақсадли ва тежамли фойдаланиш ҳамда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибини бузганларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда таъсирчан чоралар кўриш.	Ерларни шўр ювишга тайёрлаш ва шўр ювиш даврида

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни шўр ювишга тайёрлаш ва шўр ювиш ишларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

\_\_\_\_\_ тумани \_\_\_\_\_ кластерга (фермер хўжалиги ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга)

**Шўр ювиш ишларини амалга ошириш бўйича  
ТАВСИЯЛАР**

**1. Жами экин майдони \_\_\_\_\_ гектар, шундан \_\_\_\_\_ гектари ҳар хил даражада шўрланган, жумладан:**

\_\_\_\_\_ контур – кучли шўрланган, ер ости сув сатҳи \_\_\_\_\_ метр чуқурликда жойлашган, ер ости сувининг минераллашуви \_\_\_\_\_ гр/литрни ташкил этади;

\_\_\_\_\_ контур – ўртача шўрланган, ер ости сув сатҳи \_\_\_\_\_ метр чуқурликда жойлашган, ер ости сувининг минераллашуви \_\_\_\_\_ гр/литрни ташкил этади;

\_\_\_\_\_ контур – кучсиз шўрланган, ер ости сув сатҳи \_\_\_\_\_ метр чуқурликда жойлашган, ер ости сувининг минераллашуви \_\_\_\_\_ гр/литрни ташкил этади.

**2. Тупроқ механик таркибига кўра:**

\_\_\_\_\_ контур – \_\_\_\_\_ тупроқ, \_\_\_\_\_ контур – \_\_\_\_\_ тупроқ, \_\_\_\_\_ контур – \_\_\_\_\_ тупроқ сирасига киради.

**3. Шўр ювишга ерларни 20\_\_ йил “\_\_” ойининг \_\_\_\_\_ гача тайёрлаш тавсия этилади.**

**4. Шўр ювиш ишлари дастлаб \_\_\_\_\_ -чи контурда, кейин \_\_\_\_\_ -чи контурда, ундан кейин \_\_\_\_\_ -чи контурда амалга оширилади.**

**5. Шўр ювиш ишларини сифатли бажариш учун қуйидаги чоратадбирларни амалга ошириш тавсия этилади:**

шўри ювиладиган майдонларни дастлаб ғўзапоя ёки бошқа ўсимликлар қолдиқларидан тозалаш;

ерларни мақбул муддатларда 35-40 см чуқурликда сифатли қилиб шудгорлаш, гипс ёки қаттиқ қатламлар мавжуд бўлганда плантажли плуг билан шудгорлаш ёки чуқур юмшатиш;

кучли шўрланган майдонларга шудгордан олдин туроқнинг балл-бонитетига қараб ҳар гектарига 10-20 тоннадан маҳаллий гўнг солиш;

ерларни лазер ускунали ёки узун базали ер текислагичлар ёрдамида уч йилда камида бир марта текислаш;

шўр ювиладиган майдонни унинг нишаблигига қараб қуйидаги ўлчамаларда полларга бўлиш:

\_\_\_-чи контурда полнинг эни \_\_\_ метр, бўйи \_\_\_ метр, майдони \_\_\_ гектар;

\_\_\_-чи контурда полнинг эни \_\_\_ метр, бўйи \_\_\_ метр, майдони \_\_\_ гектар;

\_\_\_-чи контурда полнинг эни \_\_\_ метр, бўйи \_\_\_ метр, майдони \_\_\_ гектар.

**6. Шўр ювиладиган майдонларда схемага мувофиқ ўқариқлар ва полларни олиш.**

Шўр ювиладиган майдонларда дастлаб марзалар олинади. Марзалар энига \_\_\_ метрдан, бўйига эса ҳар \_\_\_ метрдан олинади. Ўқариқлар эса икки пол ўртасида бўйламасига олинади.

Агар экин майдони ичида ёпиқ-горизонтал дренаж мавжуд бўлса, ўқариқлар икки дренаж ўртасидан олинади.

Марзалар ва ўқариқларнинг баландлиги бир марта сув бостиришда бериладиган сув устунининг (сатҳининг) чуқурлигини эътиборга олиб, ернинг текисланган жойига нисбатан 0,35-0,45 метр баланд бўлиши керак. Нишаблиги катта бўлган далаларда полларни ажратувчи марзалар баландлиги 0,5-0,6 метргача бўлиши мумкин.

**7. Шўр ювишга пол олиш ишлари ноябрь ойидан бошлаб, декабрь ойининг илиқ кунларида тугалланиши лозим.**

Шўр ювиш нормаси тупроқнинг шўрланганлик даражасига ва механик таркибига қараб белгиланади.

Бир гектар майдоннинг шўрини ювиш учун \_\_\_\_\_ -чи контурга \_\_\_\_\_ куб м/га, \_\_\_\_\_ -чи контурга \_\_\_\_\_ куб м/га, \_\_\_\_\_ -чи контурга \_\_\_\_\_ куб м/га миқдорда сув бериш тавсия этилади

Шўр ювиш ишлари навбат билан дастлаб кучли шўрланган майдонларда, ундан кейин ўртача шўрланган майдонларда бошланиб, охирида кучсиз шўрланган майдонларда амалга оширилади.


Полларни сув билан тўлдириш юқоридан пастга қараб, коллектор-дренаж тармоғи томон навбат билан амалга оширилади.

Шўр ювиш ишлари қўйидаги схема бўйича амалга оширилади.

Кучсиз шўрланган, шунингдек, енгил тупроқли ўртача шўрланган майдонлар бир марта ювилади. Ўртача шўрланган қолган майдонлар эса икки марта, кучли шўрланган майдонлар эса уч марта ювилади. Бунда полларни сув билан бостиришда сув миқдори камайтириб борилади.

Шўр ювиш ишларига \_\_\_\_\_ ойдан бошлаб киришилиши лозим.

Биринчи шўр ювиш ишларини \_\_\_\_\_ га қадар, иккинчи ва учинчи шўр ювиш ишларини \_\_\_\_\_ га қадар тўлиқ яқунлаш тавсия этилади.



Шўрланган ерларни шўрини ювиш схемаси

